

Qishloq hayoti

2012 йил Мустақкам оила йили

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2012-ЙИЛ 21-ИЮН, ПАЙШАНБА, 73 (7998) - СОН

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган
Баҳоли келтирилган нархда.

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Шу йил 19 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. 20 июнь куни байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Республика комиссиясининг мазкур қарор ижросини таъминлашга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, республика вазирлик ва идоралари раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, комиссия раиси Ш.Мирзиёев бошқарди.

Қарорда таъкидланганидек, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган улкан янгиланишлар, одамларимиз, аввало, ёшларимизнинг онгу тафаккури, сиёсий савияси, ижтимоий фаоллиги юксалиб, Ватанимизнинг қудрати ва салоҳияти, халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётгани халқимиз учун энг улуг, энг азиз бўлган мустақиллик самарасидир.

Комиссия мажлисида ана шу муқаддас байрамга муносиб тайёргарлик кўриш ва уни халқимиз ҳаётида эркин из қолдирадиган даражада ўтказиш, юртимизда амалга оширилаётган ислохот ва ўзгаришларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг тарғиб қилиш, байрамга тайёргарлик ишларини аниқ тизим асосида ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қарорга мувофиқ, «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» деган ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқиш ва кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда амалга ошириш бўйича ҳар бир вилоят ва ҳудуд, вазирлик ва идоралар, меҳнат жамоалари, нодавлат ташкилотлар, маҳалла идоралари олдида турган вазифалар кўриб чиқилди.

Бу борада шаклланган ижобий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари Мустақиллик байрамини муносиб нишонлаш учун тегишли комиссиялар тузиши ҳамда республика дастурида белгилаб берилган асосий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, байрам арафасида шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла ва гузарларда, кўпқаватли уйлар атрофида ободонлаштириш ишларини олиб бориш билан боғлиқ масалалар атрофича муҳокама қилинди.

Комиссия йиғилишида Тошкент шаҳрида ва жойларда ўтказиладиган байрам тадбирларига оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган мутахассислар, ижодий гуруҳлар, таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар, жамоатчилик вакиллари кенг жалб этиш ҳақида фикр юритилди.

Мажлисда байрам тадбирларини юзакилик ва баландпарвозликка йўл қўймасдан, одамларнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган жонли ва таъсирчан шаклларда ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тегишли чоратадбирлар белгиланди.

ЎЗА



Навоий Вилояти

▼ МАҲАЛЛА — ОИЛАВИЙ БИЗНЕС МАРКАЗИ

ҲУНАР ТАДБИРКОРЛИККА АСОС БЎЛМОҚДА

Навоий шахри Кимёгар маҳалласида хотин-қизларни иш билан таъминлаш борасида ибратли ишлар амалга ошириляпти. Бу жараёнда тадбиркорлик, оилавий бизнес ҳамда касаначилик қўл келаятир.

Нилуфар Файзуллаева шу маҳаллада яшайди. Қўли гул қизлардан. Унинг зардўзлик ишларида бухороча тилла иглардан маҳорат билан тикилган кийимларда асрий аъёналар акс этган. Зар кашталари бежиримлиги, сифати билан

харидорини топмоқда.

— Коллежда ўқийман, — дейди Нилуфар. — Келажакда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчиман. Бу ишда хунарим асос бўлишига ишонаман. Айни пайтда зар дўппи, зардўзи тўнлар, куёв-

ларга белбоғлар тикияман. Қўлимдаги хунарим билан оиламиз иқтисодига оз бўлса-да ёрдамим тегади. Яқин кунларда банкдан кредит олиб, мустақил фаолият бошламоқчиман.

Маърифат ШАРИПОВА



Сургарё Вилояти

▽ МАВСУМ

ОЛТИН БОШОҚЛАРДАН ЮКСАК ХИРМОНЛАР

Дехқон пешона тери эвазига етиштирган донни тезу соз ўриб-йигиб олишда комбайнчилар далаларда алоҳида шижоат кўрсатмоқда. Пайкал бошидан ўқариқ охиригача комбайнлар икки марта бориб қайтувчиларча бункерлар донга тўлапти. Дон қабул қилиш масканлари сари йўл олган галла карвонлари далаларда баракали ҳосил етиштирилганидан нишона.



“Оқолтин сардори” фермер хўжалиги раҳбари Курбонгул Мамадалиева.

Жорий йилда 34 минг тоннадан ошиқ сара дон ўриб-йигиб олишни мақсад қилиб қўйган Оқолтин тумани галлакорлари ҳам иш суръатини тобора оширмоқдалар. Айниқса, Бобур номли, У.Носир номли, С. Сиддиқов номли, А.Тоиров номли, “Фаргона” сув истеъмолчилари уюшмалари (СИУ) ҳудудида галладан баракали хирмон тикланаётди. Чунончи, асосий экин майдонлари кучли шўрланган А.Тоиров номли сув истеъмолчилари уюшмасида 16 та фермер хўжалиги шартнома режасини ошириб бажарди. “А.Бекназар”, “Баҳоидир Шербек файзи”, “Хасанбой Хусанбой-Жўрабек”, “Баҳоидир-Дониёр-Диёр” фермер хўжаликлари галлакорлари йиллик шартнома режаларини 105-112 фоизга адо этдилар. У.Носир номли сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудидаги “Ҳаким Даврон”, “Сокин Бўстон ҳосили”, М.Улуғбек СИУ ҳудудидаги “Озод Камол тонги”, С. Сиддиқов номли СИУдаги “Исмоил-Илҳом-Фарход” фермер хўжалиқларида ҳар гектар майдондан ҳозиргача 45 центнердан ошди дон олинди.

Бобур номли сув истеъмолчи-

лари уюшмаси ҳудудидаги “Оқолтин сардори” фермер хўжалигида 505 гектар галла майдонининг ярмида ўрим тугалланмасданок йиллик режа адо этилди.

— Қабул масканига топширилган 700 тонна дондан ташқари яна 359 тонна уруғлик бугдойни ўриб-ячиб олиб умумий хирмонни 1060 тоннага етказамиз, — дейди “Оқолтин сардори” фермер хўжалиги раҳбари Курбонгул Мамадалиева. — Ҳозир ихтиёримиздаги 4 та замонавий комбайн билан уруғлик бугдойни ҳам ўришни бошлаб юбордик. Ҳар гектар майдондан ўртача 45-50 центнердан дон йигиштириб оляямиз. Ҳосил чўғи режа 120 фоиз қилиб бажарилиб, 700 тонна дон ишчиларимиз ихтиёрида қолишидан далолат берапти. Абдусаммад Абдулхалёев бошлиқ ўрим-йигим отряди аъзолари Ботир Номозов, ака-ука Бахтиёр ва Алишер Саидионов, Шўхрат Хидиров, Фурқат Жўраевлар “Сардоба сардори” фермер хўжалиги тасарруфидagi замонавий комбайнлар билан кунига 90-100 тонна донни ўриб-ячиб, хирмонга барака киритишмоқда.

“Сардоба сардори” фермер хўжалигининг 30 дан ортиқ техникаси, алоҳида гаражи бор. Хўжалик аъзолари ҳосил ўриб-ячилган майдонларда сомонни гаврамли, ерни шудгорлаш ишларини ҳам тезкорлик билан давом эттирмоқдалар.

Туманда ҳозиргача 30 дан зиёд фермер хўжалигида шартнома режаси бажарилиб, ўртача ҳар гектар майдондан 45 центнердан ошди дон ячиб олинаётганлиги бошқорларнинг шижоатидан далолат беради.

89 минг гектар майдонда мўл ҳосил етиштирган сирдарёлик галлакорлар ўрим-йигим гуруҳлари кучидан оқилона фойдаланмоқдалар. Вилоятнинг Бобўтов, Ховос, Сайхунобод, Сирдарё, Гулистон туманларида ҳам ўрим-йигим жадал суръатда давом эттирилмоқда. Вилоятда ҳозиргача 300 дан ошиқ фермер хўжаликлари галла сотиш шартнома режаларини худдалашди.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
“Qishloq hayoti” муҳбири,
Фурқат ТОШМАТОВ олган сурат.

27 ИЮНЬ – МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Матбуот тарқатувчи” акциядорлик компанияси томонидан нодавлат босма оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, уларга қулай шароит яратиш ва хизмат кўрсатиш сифатини тақомиллаштириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, “Матбуот тарқатувчи” акциядорлик компаниясининг раҳбарлари, журналистлар иштирок этди.

ВАҚТЛИ НАШРЛАР — ДАВР КЎЗГУСИ

Кенг жамоатчилик ва халқимиз ўртасида маънавий-маърифий фаолиятни юксак даражага кўтариш, мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз иқодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун ОАВ ҳамда даврий нашрларнинг тизими тубдан тақомиллаштирилмоқда. Бу жараёнда даврий нашрлар, уларни манзилга етказиб берадиган ва тарқатадиган тақсилот ҳамда идоралар зиммасига катта масъулият юкланади.

Компания тизимидаги корхоналарда вақтли матбуот нашрларини истеъмолчиларга тез ва сифатли етказиб бериш ҳамда аҳолига қўшимча хизматлар кўрсатиш сифатини янада тақомиллаштиришни таъминлаш ва тизимни ривожлантириш мақсадида “2011-2014 йилларда вақтли нашрларни тарқатиш тармогини замонавийлаштириш ва хизматларнинг янги турларини жорий этиш Дастури” қабул қилиниб, режалаштирилган ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Вақтли матбуот нашрларини тарқатиш жараёнида “Матбуот тарқатувчи” АК таркибида вилотлардаги “Матбуот тарқатувчи” масъулиятли чекланган жамиятлар ва шўба корхоналарига тегишли матбуот киоскалари фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, компания вилот почта алоқаси филиаллари, “Халқаро почта” филиали, барча туман почта боғламаси ва алоқа бўлимлари билан ҳамкорлик қилмоқда.

Мушарайлар ўзларининг семимли газетасини ўз вақтида ўқишлари учун ҳар кун етти мингта яқин почтальонлар ва бир минг икки юздан ортиқ “Матбуот” киоскалари хизмат кўрсатиб келмоқда. Айни пайтда эса компания таркибидagi шўба корхона ва масъулиятли чекланган жамиятларга алоқа, ахборот ва компьютер технологиялари йўналишидаги касб-ҳунар коллежларидан 32 нафар битирувчи киоска сотувчиси лавозимига ишга қабул қилинди.

Анжуман сўнггида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Озод ОЧИЛОВ,
“Qishloq hayoti” муҳбири.

РОҒУН ГЭСИ ҚУРИЛИШИ ҲАЛОКАТЛИ ОҚИБАТЛАРГА ОЛИБ КЕЛИШИ МУҚАРРАР

Мустақил халқаро экспертларнинг хулосаси шундай

Дунёнинг турли мамлакатлари олимлари ва мутахассислари томонидан Тожикистонда, Амударёнинг юқори оқимида йirik гидроэнергетика иншоотининг қурилиши натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларни ўрганиш давом этмоқда. Ушбу қурилишнинг минтақادا яшаётган аҳоли ҳаёти учун нақадар хавфлилиги яхши маълум, тадқиқотчилар ўз эътиборини фақат бундан катта зарар кўрадиган муайян соҳаларга қаратмоқда ҳамда зарарнинг кўламини баҳоламоқда.

Бунга халқаро сув ресурслари ва экология мухандислиги академик журналининг сўнгги сонида Американиннг Нью-Мексико ва Шимолий Дакота университетларининг бир гуруҳ тадқиқотчилари томонидан тайёрланган “Роғун гидроэлектростанцияси тўғрисидаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига таъсири” деб номланган мақола яққол мисол бўла олади.

Роғун гидроэлектростанцияси қурилиши туғайли юзага келадиган сув тақчиллиги Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига ҳар йили 600 миллион АҚШ доллари миқдорида зарар етказиши, яъли ички маҳсулотнинг икки фоизга камайиши ва 300 минг кишининг ишсиз қолишига сабаб бўлиши мумкин. Роғун тўғрисида қурилишнинг Ўзбекистон иқтисодиётига кўрсатиши мумкин бўлган таъсирини чуқур таҳлил қилиб

чиққан америкалик бир гуруҳ тадқиқотчиларнинг хулосаси шундай.

Тадқиқотчилар Роғун гидроэлектростанцияси сув омбори сувга тўлдирилиб, тўллик режимда ишлаб бошлагача юзага келиши мумкин бўлган икки — энг ёмон ва эҳтиомлга яқин ҳолатни баҳолаган.

Уларнинг маълумотларига кўра, Роғун сув омборини тўлдириш учун 12,4 йил керак бўлади. Бу даврнинг ўзи катта мураккабликлари келтириб чиқариши муқаррар. Чунки Амударё оқимининг бир қисми тўсилади ва суви мазкур сув омборига йўналтирилади. Олимларнинг фикрича, Роғун ГЭСининг асосий салбий таъсири ёз мавсумида — у сувга тўлдирилиб, қишда суви чиқариб юборилганида айниқса кучаяди.

Роғун ГЭСи электр энергиясини тўлиқ ишлаб чиқариш тартибиди иш-

лаган пайтда ёзда Амударёнинг сув сатхи 18 фоиз камаяди, қиш даврида эса, аксинча, 54 фоиз кўпаяди. Бу эса Ўзбекистонда май-сентябрь ойларида (сугориш мавсумида), яъни муҳим вегетация даврида кескин сув тақчиллиги юзага келиши, сентябрь-майда эса сув кўпайиб, тошқинлар рўй бериши мумкинлигидан далолатдир.

“Бу ҳолат Ўзбекистон иқтисодиётига катта зарар келтиради, яъни 506 минг гектар ерни (сугориладиган майдоннинг қарийб 11 фоизини) қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқариб ташлашга олиб келади. Бу эса камида 336 минг киши ишсиз қолиши мумкин, демакдир. Натижада Ўзбекистон яъли ички маҳсулоти 2,2 фоизга қисқаради, давлат даромадлари 6,9 фоизга камаяди ва, энг ёмони, иқтисодий ўсиш ҳам пасаяди,” — деб ёзади америкалик тадқиқотчилар.

Бироқ Ўзбекистон ўз қишлоқ хўжалигида сув истеъмолни камайтиришга доир катта чоралар кўрган тақдирда ҳам, 314 минг гектар сугориладиган майдоннинг оборотдан чиқаришга тўғри келади. Бунинг натижасида 208 мингта аҳоли ҳаётий манбалардан узилиб қолади. Мамлакат яъли ички маҳсулоти 1,4, бюджет даромадлари эса 4,3 фоизга камаяди.

Олимларнинг бу борадаги хулосаси аниқ — Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ соҳалар, умуман мамлакат иқтисодиётига катта зарар етказилади. Яна бир хулоса шундан иборатки, Амударёнинг сув сатхи қиш даврида кескин кўтарилиб, қуйи оқимда жойлашган ерлар сув остида қолади. Бу Амударёнинг қуйи қисмида яшовчи аҳоли ҳаётига бевосита катта хавф солади, шунингдек, бинолар, иншоотлар, йўللар, бошқа коммуникацияларнинг вайрон бўлиши, экин майдонлари ва боғлар сув остида қолишига олиб келади.

Яна шунга таъкидлаш жоизки, ушбу тадқиқотда экологик хавфлар, шунингдек, кучли zilzilalar рўй берганида ва балан д тоғда жойлашган тўғон ўпиррилган тақдирда юз берадиган техноген фалокатларнинг фожиали оқибатлари ўрганилмаган.

Хавфсизлик таҳдид солувчи омиллар турлича баҳоланаётганига қарамай, тадқиқотчилар мазкур шубҳали лойиҳанинг амалга оширилиши Тожикистоннинг ўзига ҳам, дунёнинг қуйи қисмида жойлашган мамлакатларга ҳам, умуман, бутун ўрта Осиё минтақасига жиддий салбий таъсир кўрсатади, деган бир хил фикрдадир.

ЎЗА

«МИКРОКРЕДИТБАНК» – ТАДБИРКОР АЁЛЛАР МАДАДКОРИ

Юртимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳар томонлама муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Буни «Мустаҳқам оила йили» Давлат дастурида белгилаб берилган долзарб вазифаларда ҳам кўриш мумкин. Таъкидлаш жоизки, бу жараёнда «Микрокредитбанк» ОАТБ ҳам фаол иштирок этаётир.



Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги ҳамда 2008 йил 10 ноябрдаги «Микрокредитбанк акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари асосида фаолият юритаётган ушбу молия муассасаси томонидан бу борада кўплаб ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Ўтган даврда «Микрокредитбанк» тадбиркор аёлларнинг ишончини қозонди ва уларнинг яқин кўмақдошига айланди.

Жамиятимизда шундай хунарлар борки, аёллар меҳнатисиз уларни тасаввур этиш қийин. Дейлик, тикувчилик ёки каштачилик. Уни фақатгина аёллар эглаши мумкин. Яхшигина даромад келтирадиган ушбу хунарларни касбга айлантириётган, ҳам оиллага, ҳам жамиятга фойда келтириётган аёлларимиз бугун жамиятнинг таянчига айланиб бораётир. Аёл тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда микрокредитларнинг жуда кўп қулай томонлари бор. Жумладан, фоизи кам, имтиёзли. Бу эса тадбиркорликни бошлаш, давом эттиришда қатор қулайликларни келтириб чиқаради.

Фикримизни банкнинг «Мустаҳқам оила йили» Давлат дастури доирасида амалга ошираётган ишлари мисолида кўриб чиқамиз. Банк томонидан шу йилнинг ўтган даври мобайнида ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун 2 мингдан зиёд ёш оиллага 12,3 миллиард сўмлик маблағ берилди. Аёллар тадбиркорлигига йўналтирилган сармоялар 16,7 миллиард сўмни, касб-хунар коллежлари битирувчиларига тақдим этилган кредитлар ҳажми эса 3,8 миллиард сўмни ташкил қилди.

Яқинда Президентимиз халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташкари сессиясидаги сўзлаган нутқида ўқувчиларни касб-хунар коллежларига қамраб олиш ва битирувчиларни иш билан таъминлаш борасида сўз юритар экан, қиз болаларнинг коллежларда ўқиши масаласида шундай дея таъкидлаб ўтдилар, коллежда ўқиб, аниқ касб-хунар эгаси бўлиш, биринчи навбатда қиз бола учун зарур. Қўлида хунари бор қиз эртага бировага қарам бўлиб қолмайди, ўз меҳнати, билим ва истеъдоди билан оиласини тебратишга, фарзандларини баркамол инсон этиб тарбиялашга ҳисса қўшади. Бу, ўз навбатида, ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан мустаҳқамлашга қандай муҳим аҳамиятга эга эканини кимгадир исботлаб беришнинг ҳождати йўқ.

Банк томонидан аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришда эътибор, энг аввало, ёшларга қаратилмоқда. Хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчилари. Банк ходимлари касб-хунар коллежларида бўлиб, ўқувчиларга тадбиркорликни бошлаш учун микрокредит олиш тартиблари ва ундан мақсадли фойдаланиш талаблари асосида тадбиркорлик дарсларини ўтмоқдалар.

Мазкур тадбирларнинг амалий самараси сифатида ўтган йили касб-хунар коллежлари битирувчиларидан 1795 нафарига 5 миллиард сўмдан ортироқ миқдорда бошланғич сармоя сертификатлари тақдим этилди. 2012 йилда ажратилдиган кредитлар миқдори ўтган йилга нисбатан 1,2 баробарга оширилиб, 6,2 миллиард сўмга етказилиши кўзланган.

Семинарда ёш тадбиркорларнинг банк кредитлари эвазига яратган маҳсулотлари кўргазмаси намойиш этилди. Пировардида, «Микрокредитбанк» томонидан ўзининг пухта бизнес-режасига эга бўлган 20 нафар коллеж битирувчисига замонавий тикув машиналари, 5 нафар битирувчига бошланғич сармоя микрокредитлари ажратиш бўйича банк

хизматлари бўйича «BankExpo — 2012» миллий кўргазмаси доирасида ўтказилган танловда эса «Таълим муассасалари битирувчиларини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк» номинацияси бўйича голиб деб топилди.

Булар беҳиз эмас, албатта. Чунки мазкур молия муассасаси фаолияти давомида меҳнат бозорига кириб келаётган ёш тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Натижада жойларда айнан ёшлар раҳбарлик қилаётган юзлаб корхона ва фирмалар ташкил этилиб, уларда тайёрланаётган маҳсулотлар ички бозоримизни тўлдиришга хизмат қилаяти. Энг муҳими, ёш тадбиркорлар ўз ёнига тенгдошларини чорлаб, уларнинг ишби-

яқин киши иш билан таъминланди.

«Микрокредитбанк»ка ижтимоий йўналишлардаги «Micro-FinanzaRating» компанияси (Италия) халқаро қабул этилган «BB» меъёрларига мувофиқ «Амалда ўз мақсад ва вазифаларини рўйбга чиқариш ва зиммасига юклатилган ижтимоий вазифаларни самарали бажариш борасида етарли қобилиятга эга, ўз ижтимоий мақсадларига эришиш эҳтимоли юқори бўлган банк» деган ижтимоий рейтинг тақдим этди. Бунинг ўзига хос сабабларидан бири — «Микрокредитбанк» аҳоли учун тақдир этаётган маҳсулотлари — яратилган замонавий хизматлари билан мамлакатимиздаги яратувчиларни, фаровонликни барқарор этиш жараёнига муносиб ҳисса қўшмоқда. Мустаҳқам оила йилида банк «Оила фаровонлиги учун» деб номланган хизматлар мажмуасини тақдим этмоқда. Банкнинг мазкур янги хизматлари жисмоний шахсларга мўлжалланган бўлиб, оила учун ҳар томонлама қулайликлар, имкониятлар яратиш, оилалардаги фарзандларнинг замонавий, илғор кишилар бўлиб улғайишларига кўмаклашиш, оила даромадларини кўпайтиришга хизмат қилади.

Шу ўринда банкнинг оилавий бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратаётган эътиборига назар ташлаб ўтсак. Банк замонавий хизмат турлари билан маҳаллалардаги оилаларнинг бора эҳтиёжларини қамраб олишга ҳаракат қилмоқда. Кишлоқда истиқомат қилаётган аҳоли учун томорқа хўжалиги муҳим даромад манбаи ҳисобланади. Томорқа эгаларига иссиқхоналар ташкил этиш, ерга ишлов бериш, уруғлик ва кўчатлар сотиб олиш учун ҳам ана шундай сармоялар ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Миллий хунармандчилик халқимиз орасида ривожланган, сайқал топиб келади. Бу сингари мураккаб ва нафис санъат, аксарий оилавий шароитда яратилади ва авлоддан-авлодга ўтади. Банк оилавий хунармандчиликни ҳам ўзининг қулай сармоялари билан қўллаб-қувватламоқда. Шу кунларда аҳолига катта қулайликлар яратадиган қўёш батареялари учун кредитлар ташкил этиш устида иш олиб бормоқда. Банкнинг бу каби хизматлари қўллаб оилалар учун чинакам қулайликлар ярата олади.

Жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, банк томонидан 2005 нафар тадбиркор аёлга 16,7 миллиард сўм кредит ажратилган. Натижада, 7 минг 797 нафар аёллар доимий иш билан таъминланган.

Демакки, бу — «Микрокредитбанк» сармоялари мамлакатимиз тадбиркор аёлларининг оиласи, фарзандлари қамоли ва пировардида, юрт тараққиёти ҳамда аҳоли фаровонлиги учун хизмат қилаётганининг исботидир.

Банк матбуот хизмати



Бу йўналишда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» лойиҳаси амалга оширилаётгани, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда касб-хунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, яқна тартибдаги меҳнат фаолиятини йўлга қўйишга кўмаклашувчи «Менинг бизнес гоям» танлови ташкил қилинган ишларни ишбилармонликка жалб қилишда қўл келаётир.

Шу билан бирга, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси билан биргаликда ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятига қизиқишини кучайтириш мақсадида «Диплом билан — бизнесга» ўқув-семинарини ўтказиш бўйича қўшма қарор имзолангани қўллаб-қўйишга ўз бизнесини юритишга туртки берди.

Жорий йилнинг 26 май кунин Самарқанд вилоятининг Оқтош шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки ҳамкорлигида амалга оширилаётган «Банк ва коллеж ҳамкорлиги» лойиҳаси доирасида ўтказилган семинарда ҳам айни шу масалага эътибор қаратилди.

сертификатлари ҳамда оилавий тадбиркорлик субъектларига қимматбахо совғалар топширилди.

— Тикув машинаси ажратилгани айни мuddао бўлди, — дейди Оқтош тадбиркорлик ва сервис коллежининг учинчи босқич талабаси Адолат Ўқтамова. — Ёшлигимдан тикувчиликни қизиқардим. Эндиликда уйда ўз бизнесимни бошлаш имконияти туғилди.

Адолат сингари қўллаб қизлар банкнинг мадади билан мустақил тадбиркорлик фаолиятини бошлаётганликларини кўриш мумкин.

Жорий йилнинг 3-4 апрель кунлари Амстердам шаҳрида (Голландия) бўлиб ўтган «Ёшларнинг молияларини ривожлантириш ташкилоти»нинг биринчи Халқаро Саммити ва тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикасининг «Микрокредитбанк» очик акциядорлик-тижорат банки ёшларга молиявий хизматларни кўрсатиш ва таълим дастурлари учун шарт-шароит яратиш бўйича еткази ўринда эканлиги, шунингдек, болалар ва ёшларни молиялаш каби йўналишларни ташкил этаётган биринчи банк сифатида эътироф этилди. Апрель ойида пойтахтимиздаги «Ўзқўргазмасавдо» мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган банк технологиялари, асбоб-ускуналари ва

лармонлик қобилиятини юза-ви чикаришига кўмаклашмоқдалар.

«Микрокредитбанк» ОАТБ Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ва БМТнинг Аёллар ривожланиш жамғармаси (UNIFEM) ҳамкорлигида «Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга кенг татбиқ этиш» лойиҳаси асосида Қорақалпоғiston Республикасининг Қанликўл туманидаги Жана қалъа, Бескўпир ва 1-макан кенес овул фуқаролар йиғинларида, Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманидаги Сада қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда Қашқадарё вилоятининг Қарши туманидаги Ертепа, Ровот ва Юқорибешкент маҳаллаларидаги кам таъминланган аёлларга гуруҳ қабилиги асосида жами 100 миң АҚШ долларини миқдорида миллий валютада микрокредитлар ажратди. Ушбу кредитлар ҳисобига оила шароитида уй ҳайвонларини парварилаш, тикувчилик, қандолатчилик, зардўзлик, кўрпак-тўшак тикиш, дўппидўзлик каби фаолият турлари йўлга қўйилди. Германиянинг Жамғарма қассалари фонди кўмагида эса Навоий, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида яқна тартибда фаолият юритаётган аёлларга берилган кредитлар эвазига гиламчилик, тикувчилик, зардўзлик, миллий кийимлар тикиш ва маиший хизмат кўрсатиш сингари соҳаларда 200 нафарга

Жиззах Вилояти

Устоз кўрган шоғирдалар

Пахтакор қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ҳовлисида бир гуруҳ ёшлар давра қуришиб, ўзаро сўхбатта шу қадар берилиб кетишгандики, ветеринария фани ўқитувчилари Ҳамидулла Тотлибоев ва Исмоил Муродимовлар билан биргаликда давраларига келиб кўшилганимизни сезмай ҳам қолишди.



Ветеринария фани ўқитувчиси Ҳамидулла Тотлибоев шоғирди, «Ветеринария» номинацияси бўйича республика «Касб маҳорати» кўрик-танлови ғолиби Сардор Дониёров билан.

— ...Бошқа гамхўрлик ва эътиборни қўя турай, — дерди новча бир йигит. — Юртбошимиз ўтган ойда оммавий ахборот воситалари ходимларига берган интервьюсида «Бўгун ёшларимиз ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга қиряпти. Мен уларга ўзимга ишонгандек ишонман», дедилар. Уша кунлари мен вилоятимиз касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари номидан «Касб маҳорати» танловининг Бухоро шаҳрида ўтказиладиган республика босқичида қатнашишга тайёргарлик кўраётган эдим. Бу гаплардан юрагим қаприқиб, фахру ифтихорга тўлиб кетди. Келахакка бўлган ишончим янада ортди. Бунга жавобан, кўнглимда танловда биринчи ўринни оламан, деган қаърий аҳд пўртана қила бошлади.

— Республикаимиз микёсидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежларининг ветеринария йўналишидаги битирувчилари орасида «Касб маҳорати» кўрик-танлови ҳар йили ўтказиб келинади, — деди ўқитувчи Ҳамидулла Тотлибоев. — Мазкур танловда бултур ва бурноғи йилларда ҳам ўқувчиларимиз 2- ва 3-ўринларни эгаллашганди. Бу йил эса битирувчи-ўқувчи Сардор Дониёров мазкур йўналиш бўйича 2-ўринни қўлга киритди. Бу коллежимизда олиб борилаётган намунали ишлар натижасидир.

Мазкур касб-ҳунар коллежида ёшларга билим бериш, касб-ҳунар ўргатиш самарадорлиги йилдан-йилга ошиб бормоқда. Назарий билимларни амалиёт билан боғлаш ўргатиш яхши йўлга қўйилган. Бунда коллежнинг замонавий ўқув жиҳозлари ва кўргазмали курулар билан таъминлангани, коллеж тасарруфига кўплаб техника воситалари, қорва моллари, ер, сув ва бошқа ресурслар маъжудлиги, ўқувчилар ихтиёрига бир неча устахоналар бериб қўйилгани катта аҳамият касб этмоқда. Бундан таш-

қари, мавжуд 10 та йўналишнинг барчасида ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқариши учун зарур бўлган мутахассислар тайёрланаётир. Биргина ўтган йилда бу даргоҳдан мутахассислик дипломи оlingан 271 нафар битирувчидан 216 нафари ўз соҳаси бўйича меҳнат қилмоқда.

— Жорий йилда 315 нафар битирувчи-ўқувчиларимиз мустақил ҳаётга йўлланма олишяпти, — дейди коллеж директорининг касбий таълим бўйича ўринбосари Илхомжон Раҳматуллаев. — Биз уларни ўз касблари бўйича ишга жойлаштириш тадоригини ўзга йилининг бошиданок кўра бошлагандик. Туман «Агротехсервистаъминот», Акмал Икромов номли пахта тозалаш қорхонаси масъулияти чекланган жамиятлари, туман электр тармоқлари, туман газ идоралари, банклар ва бошқа меҳнат жамоалари ўқувчиларимизнинг ишлаб чиқариш амалиётларини ўташлари, шунингдек, жамоамиз билан тузган шартномалари асосида уларнинг ўз сафларида ишга жойлашишига ҳам кўмаклашяпти.

Биз ҳар йили битирувчиларни ишга жойлаштириш билан бир вақтда улар ўрнини тўлғазиш ҳаракатларини ҳам бошлаймиз. Бунинг учун умумтаълим мактабларига бо-

риб, битирувчи ўқувчилар, ўқитувчи ва ота-оналар билан учрашамиз, касблар ҳақида сўхбатлар, савол-жавоблар уюштирамиз. Ўқув юртимиздаги касб йўналишлари ҳақида кенг маълумот бериб, ўқувчиларимиз ҳаёти, ўқишлари акс эттирилган видеотаъвирлар, суратли лавҳаларни намойиш этамиз. Бу йил ҳам шундай қилдик. Тумандаги 1-, 2-, 6-, 12-умумтаълим мактабларида, Самарқанд, Пахтакор, Мингчирок каби қишлоқ фуқаролар йиғинларида ўтказган шундай тадбирларимиз давомида кўплаб битирувчи синф ўқувчилари коллежимизда ўқиш истаги билан мурожаат этдилар. Ҳозирда улар сони 324 нафарни ташкил этмоқда.

Сўхбатдошларимизнинг гапларидан маълум бўлдики, коллеж ўқитувчилари ўз ўқувчиларининг коллеждан кейинги ҳаёти ва меҳнат фаолиятини тўғри ташкил этишлари, жамиятда ўз ўрнини топа олишлари учун ҳам аниқ режа асосида иш олиб боришмоқда. Бундай ёшлар келажакда устоз кўрган шоғирдалар сифатида эл-юртга наф келтиришади, Юртбошимиз айтганларидай, ҳал қилувчи кучга айланишади.

Келдиёр ЖўРАҚУЛОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

Оила — муқаддас гўша, Ватан ичра ватандир. Шу боис, мамлакатимизда жамиятнинг асосий бўғини — оила фаровонлиги йўлида улкан ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, никоҳланувчи шахсларни турмуш қуришдан олдин тиббий кўриқдан ўтишлари ҳам оила муқаддаслиги ва мустақкамлигини таъминлашда бош омил бўлиб хизмат қилмоқда.

СОҒЛОМ ТУРМУШ — ОИЛА МУСТАҚКАМЛИГИ ГАРОВИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори бўлажак оиланинг мустақкам, туғилажак фарзандларнинг соғлом бўлиши, никоҳланувчи шахсларнинг жисмонан ва руҳан саломатлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётир. Ушбу қарорга асосан, оила қуриш истагини билдирган ёшлар даставвал ФХДЭ идоралари томонидан берилган йўлланма асосида руҳий, наркологик, захм, сил, ОИВ ва ОИТС касалликлари бўйича тиббий кўриқдан ўтишади.

Қолаверса, Президентимизнинг 2009 йил 1 июлдаги «2009–2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори мақсади ҳам никоҳланувчи шахсларнинг сифатли тиббий кўриқдан ўтишларини таъминлаш, аниқланган касалликларни даволаш чораларини кўришга қаратилган. Ўқоридаги қарорлар мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, ФХДЭ бўлимимиз томонидан қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриқдан ўтиши ва соғлом оила шаклланиши, жисмонан ва маъна баркамол авлодни вояга етказишдаги аҳамияти ҳусусида аҳоли ўртасида мунтазам равишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмақда.

Хусусан, «Оила — муҳаббат қасри», «Оила қуришга тайёриямизми?», «Соғлом она — соғлом бола» каби мавзуларда ўтказиладиган тадбирлар турмуш оstonасида турган йигит-қизлар онгида никоҳ муқаддаслиги, аҳил оила қуриш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш тушунчаларини янада теранлаштирмоқда. Эрта турмуш қуриш ва қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг ирсий касалликлар қўлайиши, туғма нуқсонли болалар туғилишига сабаб бўлиши тушунтирилмоқда.

Бундан ташқари, бўлимимиз ходимлари тегишли ташкилот ва идоралар, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда эрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари учун «Еш оила қуришчилар мактаби» ўқув машғулотларини ташкил этишмоқда. Машғулотлар доирасида «Тиббий маданият — соғлом авлод гарови», «Никоҳ тузиш тартиби ва шартлари», «Соғлом оила — миллат таянчи» мавзуларидаги турли хил тадбирларнинг ўтказилиши жамиятимиз таянчи бўлган оилаларда соғлом муҳитни яратиш, тиңч-тотув ҳаёт барпо этишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Хулоса қилиб айтганда, оила қуриш истагидаги шахсларнинг тиббий кўриқдан ўтиши, уларнинг бир-бирига бўлган ишончини ҳар томонлама ошириб, соғлом оила қуришда етарлича тушунчаларга эга бўлиши ҳамда оила, миллат, жамият саломатлигига эришишимизда мустақкам замин яратяпти.

Озода АБДУАЗИЗОВА,
Шайхонтоҳур тумани ФХДЭ бўлими мудираси.

ИННОВАЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ НЕГИЗИ

Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги «Иновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори иқтисодиётнинг инновацион ривожланишга асослангани соҳани техник ва технологик янгилаш, модернизация қилишда, бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш, фан ва амалиёт интеграциясини мустақкамлашда муҳим омил бўлаётир.

Бугунги кунда икки юздан зиёд илмий-тадқиқот муассасаси давлат илмий-техника дастуруларида белгиланган кенг кўламли вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида иштирок этмоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси таркибида йигирма олтинта илмий-тадқиқот институти ва бирлашма фаолият юритмоқда. Уларда

жамиятимизнинг устувор йўналишларидаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга оид етмишдан зиёд инновацион лойиҳа бўйича изланишлар олиб борилмақда.

Сўнгги йилларда инновацион фаолиятни ривожлантириш борасида Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан салмоқли ишлар амалга оширил-

ди. 2011 йилда Фанлар академияси инновацион лойиҳаларни амалга оширишдан тушган маблағ 15,5 миллиард сўмни ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 20 фоизга ошган, шу жумладан, ҳамкорликдаги халқаро илмий лойиҳалар бўйича 3,92 миллион АҚШ доллари миқдоринда инвестициялар жалб қилинди.

2012 йилда инновацион дастур ва лойиҳалар сони 2009-2010 йилларга нисбатан ошди. Бунда инновацион ишланмалар йириклашиб, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш 3 мартадан кўпроқда орди ва илмий тадқиқотларни давлат бюджетидан молиялаштириш ҳажми 15 фоиздан кўпрогини ташкил этди.

Жорий 2012 йилда Фанлар академияси илмий муассасалари томонидан 71 та инновацион лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шу йилнинг биринчи чорагида муассасалар томонидан 4,23 миллиард сўм бюджет маблағлар жалб қилинди. Мазкур даромаднинг асосий қисmini илмий ҳажмдор маҳсулотларни сотиш ва экспортдан тушган маблағлар, кўжалик шартномалари асосида баजारилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан тушган маблағлар ташкил этади.

Фанлар академияси томонидан сўнгги йилларда фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар соҳасида жахоншумул аҳамиятга молик қатор натижаларга эришилди. Муҳим

ишланмалар яратилди ва уларнинг натижалари ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Ҳар йили ташкил этиладиган Инновацион гоғлар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустақкамловчи самарали механизм сифатида хизмат қилмоқда. Ушбу ярмаркада Фанлар академияси тизимидаги илмий-тадқиқот муассасалари ҳам фаол иштирок этмоқда. Жумладан, жорий йилдаги ярмарка доирасида ушбу илмий муассасалар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўн бир миллиард сўмдан зиёд 306 та шартнома имзоланди.

Аҳмадҷон РИХСИБОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.



